

**Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди  
апелляция инстанциясининг  
АЖРИМИ № 3-527/17**

2017 йил август ойининг 8 кунги жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати очик суд мажлисида,

Раислик этувчи: Х.Қосимов,

Ҳайъат судьялари: А.Мирзаев ва Т.Мирзевдан иборат таркибда, Ф.Рахмоновнинг котиблигида, томонлардан вилоят прокурорининг ёрдамчиси О.Худайбердиев ва ҳимоячи К.Мамасоливининг иштирокида, судланган Р.Жураевнинг апелляция шикоятини иш материалларига қўшиб, кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 3 июль кунги ҳукмига кўра,

Жураев Равшанбек Азимович (Jo'rev Ravshanbek Azimovich), 1988 йил 19 июнда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2009 йил 9 январь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 127-моддасининг 3-қисми билан 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2012 йил 28 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 1 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлад даромати ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2013 йил 5 августдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 11 ой 28 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2014 йил 26 февраль кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлад даромати ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 8 апрель кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари, 127-моддасининг 3-қисми билан ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят



ишлари бўйича Бўка туман судининг 2016 йил 4 ноябрь кунги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрь кунги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан жазодан озод қилинган, вақтинча ишсиз, Марғилон шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 388-уйда рўйхатда туриб, Фарғона шаҳар тинчлик кўчаси, 31-уй, 3-хонадонда яшаган, иш бўйича қамоққа олиш қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддасининг 3-қисмига асосан узил-кесил ўташлик учун 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ўта хавфли рецидивист деб топилган. Жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, Р.Жураев 2016 йил 19 декабрдан 20 декабрга ўтар кечаси соат 3-00ларда Фарғона шаҳар, Фарғона кўчасида жойлашган “Шарқ” меҳмонхонаси олдида Ж.Холбоевнинг қўлидан нархи 80.000 сўмлик “Нокиа 16-00” русумли уяли алоқа апаратини, фуқаролик паспортини ва унга тегишли Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси, 28-уй, 3-хонадоннинг хужжатларини очикдан-очик талон-торож қилган.

Судланган Р.Жураев апелляция шикоятда, қилмишидан пушаймонлиги сабабли енгиллик беришни сўраган.

Апелляция судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Х.Қосимовнинг маърузасини, вилоят прокурорининг ёрдамчиси О.Худайбердиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи К.Мамасолиевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, судланган Р.Жураевнинг апелляция шикоятини қувватлаб берган музокара ва охирги сўзларини тинглаб, апелляция шикоятини иш материалларига кўшиб, атрофлича муҳокама қилиб, жиноят ишида тўпланган далилларни тўла ва ҳар томонлама текшириб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган Р.Жураевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Ж.Холбоев, гувоҳ З.Зайнидинова, Р.Жўраевалиевнинг суддаги ва дастлабки терговдаги кўрсатувлари, жабрланувчи Ж.Холбоевни аризаси (и.в. 4), далилий ашёни олиш баённомаси (и.в. 11), нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловалар (и.в. 29-31, 34-36), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан Р.Жураевнинг жабрланувчи Ж.Холбоевнинг қўлидан нархи 80.000 сўмлик “Нокиа 1600” русумли уяли алоқа апаратини, фуқаролик паспортини ва унга тегишли Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси, 28-уй, 3-хонадоннинг хужжатларини тортиб олиб, воқеа жойидан қочиб яшириниб, мулкларини очикдан-очик талон-торож қилганликдаги ҳамда ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда содир қилган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг



“а” банди ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати, Р.Жураев апелляция шикоятда, қилмишидан пушаймонлиги сабабли енгиллик бериш ҳақидаги важларини асоссиз деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди, Р.Жураевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги “ЖК 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги, 26-бандидаги “озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.”-деб кўрсатилган тушунтиришларга амал қилгани ҳолда, Р.Жураевнинг содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, илгари ҳам қасддан содир этиб, яна қасддан жиноят содир этганини инобатга олиниб, у айбланаётган модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли, апелляция судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 490, 496, 497<sup>11</sup>, 497<sup>13</sup>, 497<sup>18</sup> -моддаларини қўллаб, апелляция судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 3 июлдаги Жураев Равшанбек Азимовичга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: /имзо/

Ҳайъат судьялари: 1. /имзо/ 2. /имзо/

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
 жиноят ишлари бўйича  
 Фарғона вилоят судининг судьяси

Х.Қосимов



Раислик қилувчи: /имзо/  
Ҳайъат судьялари: 1. /имзо/ 2. /имзо/  
Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
жиноят ишлари бўйича  
Фарғона вилоят судининг судьяси

Х.Қосимов

